

Тазкия дарслари (30-дарс). Мурид



ТАЗКИЯ
дарслари 30-дарс

Тазкия дарслари Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимахуллоҳнинг
"Тасаввуф ҳақида тасаввур" ва "Руҳий тарбия-1-2-3" китоблари асосида бериб борилади.
Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



ISLOM.UZ

12:40 / 27.04.2019 5055

«Мурид» сўзи арабча бўлиб, «ирода қилувчи» деган маънони англатади.
Аҳли тасаввуф бу истилоҳни Қуръони каримнинг Каҳф сурасидаги:

وَلَا وَجْهَهُ يُرِيدُونَ وَالْعَشِيِّ بِالْغَدْوَةِ رَبَّهُمْ يَدْعُونَ الَّذِينَ مَعَ نَفْسِكَ وَأَصْبِرْ

ذِكْرَنَا عَنِ قَلْبِهِ، أَغْفَلْنَا مَنْ نَطَعَ وَلَا الدُّنْيَا الْحَيَوَةُ زِينَةٌ تُرِيدُ عَنْهُمْ عَيْنَاكَ تَعْدُ

فُرْطًا أَمْرَهُ، وَكَانَ هَوْنُهُ وَأَتَّبِعْ ٢٨

«Ўзингни эртаю кеч Роббларига, Унинг юзини ирода қилиб, дуо қилувчилар билан бирга тут. Дунё ҳаётининг зийнاتини хоҳлаб, улардан икки кўзингни бурма. Қалбини Ўз зикримиздан ғофил қилиб

қўйганларимизга ва ҳавойи нафсига эргашиб, иши издан чиққанларга итоат қилма» (28-оят) ояти каримасидан олинган, дейдилар.

Демак, ирода қилиш, яъни муридлик Аллоҳ таолони ирода қилишдан иборат бўлади. Бинобарин, мурид Аллоҳ таолонинг муриди бўлади. Муридларнинг асосий аломати **«эртаю кеч Роббларига, Унинг юзини ирода қилиб дуо қилиш»** билан содир бўлади.

Ушбу далил ва маънодан келиб чиқадиган бўлсак, «шайхнинг муриди» деган истилоҳ мутлақо нотўғри бўлади. Баъзи бир «шайх»ларнинг «ўз муридим бор» дейиши ва муридларни худди ўзининг қулидек кўриши ҳам мутлақо нодуруст бўлади. Мурид Аллоҳ таолонинг розилигини ирода қилади ва ўша иродасига эришиш йўлида шайхга шогирд тушади. Шогирдлигини тасдиқлаш ва аҳду паймон ила мустаҳкамлаш учун ўз устозига байъат қилади.

“Тасаввуф ҳақида тасаввур” китобидан